

**1910792698 - СОН**  
**ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА**  
**АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ**

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Нурафшон ш.

2022 йил “ 24 ” 01

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил “27” январдаги №27-01-14/6025 от 30.12.2021г.-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи **ТОШКЕНТ филиали** директори **Ш.С.Бакиров** (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва “Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси” номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи А.Қашқаров (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептини) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 (бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Жами олдиндан тўлов миқдори 269 750 000.00 (икки юз олтмиш туккиз миллион етти юз эллик минг сум 00 тийин) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида. Шартноманинг умумий 01.01.2022 дан 31.03.2022 гача миқдори 809 250 000,00 (саккиз юз туккиз миллион икки юз эллик минг сум 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 269 750 000.00 (икки юз олтмиш туккиз миллион етти юз эллик минг сум 00 тийин) сўм миқдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

<p><b>ОПЕРАТОР:</b>  <b>“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК</b>  <b>Тошкент филиали</b>          Манзил: Ташкент вил. Нурафшон кўч. Бобур 84 уй          Банк маълумотлари:          х/р: 20210000304074838236;          СТИР:203366731;          МФО:00401; АТБ “Алокабанк”          Тел: 71 900 00 01;</p>	<p><b>АБОНЕНТ:</b>  <b>“Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси”</b>          Манзил:  <i>Нурафшон ш.</i>          Банк маълумотлари: <i>100021860272877091100075002</i>          х/р:          СТИР:          МФО:          Банк номи: <i>Марказий Банк ЖКИМ Тошкент ш. Б. Б.</i>          Тел: <i>МФО 00014 ИНН 202 070 754</i>          Е-mail: <i>ОКОНХ 97400</i>  <i>Ўз.Рес.Молия вазирлиги Фазначилиги</i>  <i>P/c 2340 2000 3001 0000 1010</i>  <i>ИНН 201 122 919</i></p>
<p><b>Оператор номидан:</b>          Директорнинг техник масалалари бўйича ўринбосари          имзо/ <i>Н.Турсунбаев</i>          м.ў.</p>	<p><b>Абонент номидан:</b>          имзо/ <i>А.Кашамов</i>          м.ў.</p>

Ҳисобчи: *З. Риенкулова*  
 Юристъ: *П. Хайитов*



Кўрсатиладиган хизматлар

1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

т/р	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>					
1.1	Ҳар бир уланиш нуктаси учун рўйхатдан ўтказилган тўлови (FTTx технологияси бўйича)	-	Нархнома	-	-
<b>II. Ҳар ойлик абонент тўловлари</b>					
2.1	“Education-1” тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигида UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 10 Мб/с тезликда уланиш, соат 20:00 дан 00:00 гача Интернет тармоғига 4 Мб/с тезликда уланиш, трафиги чекланмаган ҳолда уланиш	200 000.00	Нархнома	603	120 600 000,00
2.2	“Education-2” тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигида UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 40 Мб/с тезликда уланиш, соат 20:00 дан 00:00 гача Интернет тармоғига 16 Мб/с тезликда уланиш, трафиги чекланмаган ҳолда уланиш	550 000.00	Нархнома	233	128 150 000,00
2.3	“Education-3” тариф режаси бўйича 100 Мб/с тезлигида UZ-IX ва TAS-IX Миллий маълумотлар узатиш тармоғига кириш ва Интернет тармоғига 100 Мб/с тезликда уланиш, соат 20:00 дан 00:00 гача Интернет тармоғига 40 Мб/с тезликда уланиш, трафиги чекланмаган ҳолда уланиш	1 050 000.00	Нархнома	20	21 000 000,00
Жами (олдиндан тўлов)				856	269 750 000.00

Жами олдиндан тўлов миқдори 269 750 000.00 (икки юз олтиш туккиз миллион етти юз эллик минг сум 00 тийин) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида. Шартноманинг умумий 01.01.2022 дан 31.03.2022 гача миқдори 809 250 000,00 (саккиз юз туккиз миллион икки юз эллик минг сум 00 тийин) сўмни ташкил этади. Ундан 269 750 000.00 (икки юз олтиш туккиз миллион етти юз эллик минг сум 00 тийин) сўм миқдорида ҳар бир ойлик абонент тўловини ташкил этади.

**ОПЕРАТОР:**  
“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК  
Тошкент филиали

**АБОНЕНТ:**  
“Тошкент вилояти Халқ таълими бошқармаси”

Оператор номидан:

Абонент номидан:

Директорнинг техник  
масалалари бўйича  
уринбосари



*[Handwritten signature]* Н.Турсунбаев



*[Handwritten signature]*